ЖУМА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 102 (10.407) / 2005 ЙИЛ 27 МАЙ

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**ПЕКИН. 26 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Пекин марказидаги Халқ вакилларининг йиғинлар уйида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат раҳбарларининг мулоқотларида эришилган келишувларни ҳаётга жорий этишнинг амалий жиҳатлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Дяоюйтай» қароргоҳида ХХР Давлат кенгашининг ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалалари учун масъул вакили Тан Цзясюаньни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, мамлакатларимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дэгуанни ҳам қабул қилди. Учрашувда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар музокаранинг асосий мавзуси бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Хитой молия вазири Цзинь Жэньцин билан мулоқотида банк, молия, сармоя соҳасидаги ҳамкорлик, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ХХР тижорат вазири Бо Силай ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Хитой иш одамларини юртимизда хориж сармоядорлари учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар билан таништирди, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан янада яқин ва фаол ҳамкорлик қилишга чақирди.

Икки мамлакат ишбилармонларининг музокаралари якунида Ўзбекистонда қатор лойиҳаларни молиялаштириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш, юртимизда двигатель ва мобиль телефон аппаратлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Хитойга мис, пахта етказиб беришни кўзда тутувчи бир неча ҳужжат имзоланди. Шундай қилиб, давлатимиз раҳбарининг Хитойга давлат ташрифи давомида қабул қилинган ҳужжатлар сони 24 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи давом этмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан «Жэньминь Жибао» газетаси мухбирига интервью берди. Суҳбат газетанинг шу йил 25 май сонида эълон қилинди. Мазкур газета ХХРнинг энг нуфузли нашрларидан бўлиб, уч миллион нусхада чоп этилади. Қуйида ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ИШОНЧЛИ ДЎСТИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН, БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**Савол: Муҳтарам Президент жаноблари, аввал ламбор «Жэньминь Жибао» гезетаси мухбирига эксклюзив интервью бераётганингиз учун миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз. Сиз хитой халқининг қадрдон дўсти сифатида ХХРга кўп бор ташриф буюргансиз. Бу галги ташрифдан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида сўзлаб берсангиз. Сиз бу ташрифдан нималарни кутмоқдасиз?**

**Жавоб:** Аввало, жаҳон миқёсидаги нуфузли нашрлардан бири бўлган «Жэньминь Жибао» гезетасига ўзимнинг чуқур эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Ташрифдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Биз Ўзбекистонда бу ташрифни, **биринчидан**, 2004 йил июнда ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифидан кейин изчил ривожлана бошлаган мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама сиёсий мулоқотнинг узвий давоми деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан,** биз тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида бугунги кунда Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги мавжуд кескин муаммоларни муҳокама этишимиз зарур, **учинчидан** эса, мамлакатларимиз ўртасида истиқболли, узоқ муддатли ва кўп томонлама муносабатларни халқларимизнинг фаровонлиги ва равнақи йўлида ривожлантиришнинг янги ечимларини топишимиз даркор.

Хитойга бу галги ташрифим давомида ХХР раҳбари Ху Цзиньтао билан ўтказадиган музокараларимиз самарали бўлади, деган умиддаман. Бизни ўзаро ишончга асосланган шахсий дўстона муносабатлар ҳам боғлаб туради. Мен унинг теран ақли, ҳаётга чуқур мушоҳада билан ёндашуви ва донолиги, тафаккурининг кўламдорлиги ва узоқни кўра билиши, олдига қўйган мақсадларга изчиллик билан эришиш қобилиятини юксак баҳолайман.

Бугун Ху Цзиньтао қисқа вақт ичида замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоблари даражасига кўтарилди, десам муболаға бўлмайди.

Ташрифни ташкил этиш ва ўтказиш борасида деярли бир йил давомида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ишончимиз комилки, бу ташриф икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлади, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Халқларимизнинг кўп асрлик тарихида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар кўп. Ўзбекистонда буюк Хитойнинг жаҳон тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўзига хос ўрнини ҳамиша яхши билишади ҳамда қадрлашади. Ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги муносабатлар мустаҳкам асосга эга эканлиги, очиқлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари аниқлиги билан ажралиб туради.

Ташриф давомида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг, терроризм, экстремизм, айирмачилик ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши курашга оид долзарб муаммоларни ҳар томонлама муҳокама этиш ҳамда баҳолашни мўлжалламоқдамиз.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро 15 та битим имзоланиши кўзда тутилмоқда. Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома уларнинг энг асосийсидир. 2004 йил Тошкентда ўтказилган саммитдан кейин тайёрлана бошлаган мазкур ҳужжат тўрт йўналиш - сиёсий, хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга муҳим асос бўлади.

Шунингдек, умумий қиймати қарийб бир ярим миллиард долларлик йигирмадан ортиқ ўрта ва узоқ муддатли сармоявий битимлар, кредит шартномалари ва контрактлари тузиш режалаштирилмоқда.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг асосий баҳслари ўтаётган Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида ёш рассомлар кўргазмаси намойиш этилди.

● Кеча Республика Фанлар академиясида адиб таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Golden dagon tea» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида экспортга мўлжалланган чойни икки марта кўпроқ қадоқлай бошладилар. Ҳозирда қўшма корхона 60 дан ортиқ чой турларини қадоқламоқда.

● Бойсунда Ўзбекистоннинг жанубидаги ҳамжамиятлар фаолиятини сармоялаш бўйича амалга оширилаётган, USAD, CHF International ҳамда Counterpart International томонидан молиялаштирилган уч йиллик дастур якунига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Бухоро вилоятининг СПИДга қарши кураш маркази лабораториясига замонавий ташхис ускуналари ўрнатилди. Улар ёрдамида бир вақтнинг ўзида 90 кишининг қони таҳлил қилиниши мумкин.

● Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● Боку-Тбилиси-Жайҳун нефть қувури ишга туширилди. XXI асрнинг Ипак йўли деб аталаётган бу энергетик ҳамкорлик коридорининг очилиш маросимида Озарбойжон, Туркия, Грузия ва Қозоғистон Президентлари, АҚШ энергетика котиби Самуэл Подман иштирок этишди.

● Россия пойтахти Москвада юз берган электр энергияси бўҳрони тўғрисида мамлакат энергетика вазири баёнот берди.

● Конго Демократик Республикасининг Victoria Air маҳаллий авиакомпаниясига тегишли АН-12 йўловчи самолёти Гома шаҳридан Конголо шаҳрига йўл олган пайтида қулаб тушди. Ҳалокат оқибатида 22 нафар йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмди.

● Туркияда ўтказилган финал баҳсида Италиянинг «Милан» жамоасини ўйиндан кейинги пенальтилар баҳсида 3:2 ҳисобида мағлуб этган Англиянинг «Ливерпул» командаси Европа чемпионлар лигасининг бу йилги ғолиби бўлди.

# ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ИШОНЧЛИ ДЎСТИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН, БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Биз ХХР билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигимизни таъкидлар эканмиз, Хитойнинг кейинги чорак аср давомида қўлга киритган улкан ютуқлари, иқтисодиётининг ўсиши ва ижтимоий ривожланишининг юксак суръатларини ҳисобга оламиз. Сизлар дунёда етакчи ўринларни эгаллаётган соҳалардаги Хитой тажрибаси Ўзбекистон учун қизиқарли ва биз муносабатларимиз кўламини кенгайтирадиган ҳамда амалий маъно-мазмун билан бойитадиган муайян лойиҳаларни муҳокама қилиш ниятидамиз. Бу ерда гап, аввалambor, нефть-газ тармоғи, телекоммуникация, компьютерлар ишлаб чиқариш, машинасозлик, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль машинасозлиги, кимё ва нефть-кимё тармоғи, маиший техника ишлаб чиқариш каби соҳаларга тўғридан-тўғри Хитой сармояси ва юқори технологияларини кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.

Биз Ўзбекистон замини бой бўлган пахта, мис, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кўплаб бошқа товар ҳамда хомашё ресурсларини Хитойга етказиб бериш ҳисобига икки томонлама савдо ҳажмини ошириш бўйича аниқ таклифларни муҳокама этишни ҳам режалаштиряпмиз.

Гуманитар соҳа, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам ташриф кун тартибига киритилган.

**Савол: Хитой билан Ўзбекистон ўртасида олий даражадаги яқин муносабатлар қарор топган, сиёсий ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Сизнинг фикрингизча, Хитой билан Ўзбекистоннинг муносабатларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили нимада? Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳар томонлама ривожига янги суръат бағишлаш учун келгусида ҳар икки томон ўз саъй-ҳаракатларини қайси соҳаларга йўналтирмоғи лозим?**

**Жавоб:** Биз ХХРнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини юқори баҳолаймиз. Хитойнинг ҳудудий яхлитлиги борасида қатъий фикрга эгамиз ва ХХР ҳукумати бу мамлакатнинг ягона қонуний ҳукумати эканлигини, Тайвань унинг ажралмас қисми эканини эътироф этамиз.

Биз сиёсий мулоқот билан бир қаторда иқтисодиёт, сармоя, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорликни сезиларли даражада жадаллаштириш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Фикримча, бунинг учун барча зарур шароит муҳайё ва, энг асосийси, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси мавжуд.

Халқаро террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик каби ҳозирги замон таҳдидларига қарши курашда Хитойнинг тегишли тузилмалари билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам устувор вазифаларимиздандир.

Парламентлараро ҳамкорлик, жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот доиралари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ҳам муҳим истиқболга эга. ХХРда 17-24 май кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Хитой жамоатчилиги қадим тарихимиз, ўзига хос маданиятимиз ва миллий урф-одатларимиз билан танишди, бугунги Ўзбекистон тўғрисидаги тасаввурини бойитди, деб ўйлайман.

**Савол: Кейинги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар муттасил кенгайиб бормоқда. Сиз икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни янада ривожлантириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?**

**Икки томонлама ҳамкорлик қайси соҳаларда айниқса кенг истиқболга эга?**

**Жавоб:** 2004 йил якунларига кўра, икки томонлама товар айрибошлаш ҳажми қарийб 70 фоиз ошиб, 600 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда 83 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 19 таси 100 фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун улкан ва ҳозирча ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг мамлакатимизга ўтган йилги ташрифи чоғида Ўзбекистонга умумий қиймати 350 миллион долларга тенг грантлар, фоизсиз, имтиёзли ва экспорт кредитлари бериш тўғрисида шартномалар тузилган эди. Биз ҳозир ушбу шартномаларни амалга оширишга киришдик.

Ишбилармон доиралар вакиллари фаолиятини жадаллаштириш, иқтисодий ҳамкорлик таркибини юқори технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобидан ўзгартириш, сармоя оқимини ҳам шу йўналишда фаоллаштириш, янги технологияларни самарали жорий этиш ҳам муҳим, деб ҳисоблайман. Улкан илмий ва кадрлар салоҳиятига эга Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида «юқори технологиялар ҳудудлари»ни ташкил этиш учун яхши имкониятлар бор.

Хитой ва Ўзбекистон бозорлари ҳамда бошқа истиқболли бозорларга мўлжалланган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур товарлар, бутловчи қисмлар ва аксессуарлар тайёрлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши мумкин.

Энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам катта имкониятларга эга. Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 60 фоизида истиқболли углеводород хомашё конлари бор. Очиқ конларда аниқланган нефть ва газ заҳираси ҳажми 2 триллион тоннадан ортиқ шартли ёқилғини ташкил этади. Биз МДҲ мамлакатлари ва чегарадош минтақаларга нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ экспорт қиламиз. Бир сўз билан айтганда, нефть-газ тармоғи ХХР компаниялари билан сармоявий ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Шу жиҳатдан ташриф асносида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида қарийб 600 миллион долларлик тўғридан-тўғри сармоя киритиладиган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мазкур йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлади. Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув ишларини ўтказишда иштирок этаётган хорижий сармоядорларга катта имтиёз ва преференциялар берилган.

Ўзбекистондаги фойдали қазилмаларни, жумладан қарийб 100 турдаги минерал хомашёга эга конларни биргаликда ўзлаштириш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир. Ҳозир иқтисодиётда ушбу хомашёнинг 60 туридан фойдаланилмоқда.

Мавжуд минерал-хомашё заҳиралари фаолият юритаётган тоғ-кон мажмуаларини узоқ йиллар давомида иш билан таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, қатор муҳим фойдали қазилмаларни ўзлаштиришни ташкил этиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистонда турли саноат тармоқлари ва хизматлар соҳасида хусусийлаштириш дастурларини кенг кўламда амалга ошириш жараёнларида Хитой компаниялари янада фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаган бўлардик.

**Савол: Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг йирик мамлакати бўлиб, халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда нуфузи баланд. Айтинг-чи, ҳозирги янги тарихий шароитда Ўзбекистон юритаётган ташқи сиёсат қандай жиҳатлари билан ажралиб турадиу, унинг устувор йўналишлари нимадан иборат?**

**Жавоб:** 60 миллион нуфузли Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шу минтақа аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг мақсадларидан бири — қўшни давлатлар билан ҳамда халқаро сиёсат ва иқтисодиётда муҳим ўрин тутадиган дунёнинг йирик ва нуфузли марказлари билан дўстона ҳамда амалий ҳамкорлик алоқаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат юритишдир.

ХХР иқтисодий салоҳиятининг барқарор ривожланиши ва халқаро масалаларга тинчликсеварликка асосланган вазмин муносабати унинг дунё сиёсатига таъсири кучайиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Биз яқин минтақавий қўшнимиз ҳамда жаҳоннинг қудратли давлатларидан бири бўлмиш Хитой билан шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Бугунги кунда бизнинг тараққиёт стратегиямиз минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, интеграция жараёнларини жадаллаштиришга, Марказий Осиё Умумий бозорини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида, бу иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига қўшимча имкон яратади.

Биз Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш ташаббусини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратган ҳолда, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Яна бир бор такрорламоқчиман: биз учун халқаро терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш устувор йўналишдир. Яққол аёнки, трансмиллий таҳдидларга қарши курашнинг самарадорлигини қўшни ва минтақамиз билан чегарадош давлатларнинг бу жараёнда фаол иштироки орқалигина таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро сиёсий ташкилотлари ва молиявий муассасалар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Жаҳон сиёсат майдонида етакчи ўрин тутадиган бошқа йирик давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз суверенитетимизни ҳамда миллий тараққиёт стратегиямизни мустақил белгилаш борасидаги муқаррар ҳуқуқимизни ҳурмат қиладиган барча давлатлар билан фаол ҳамкорликка тайёрмиз.

Минтақа давлатлари ва халқларининг ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологияга доир умумминтақавий масалаларни ҳал қилишга кўмаклашувчи самарали механизмни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

**Савол: Хитой ва Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар сифатида кўплаб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўхшаш ва яқин нуқтаи назарга эга. Сиз ШҲТнинг истиқболдаги ривожланиши ҳақида нима дея оласиз? Сизнингча, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда ва «уч ёвуз куч»га қарши курашда бу ташкилот қандай роль ўйнаши зарур?**

**Жавоб:** Россия ва Хитой ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлаш ва изчил тараққиётга кўмаклашишга йўналтирилган ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик ривожига Ўзбекистон ғоят катта аҳамият беради.

Шубҳасиз, «уч ёвуз куч»га қарши, шунингдек, трансчегаравий наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ШҲТнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунингдек, террорчилар ва қотиллар тайёрлаш манбаи бўлган радикал диний экстремизм мафкурасига қарши зарба бериш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишончим комилки, ислом динининг, барча динлар сингари, террорчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Зеро, террорчиларнинг на иймон-эътиқоди, на миллати бўлади. Айни пайтда, сохта диний шиорларни ниқоб қилиб олган террорчилик ташкилотлари, жумладан, кўпчиликка маълум «Ҳизбут-таҳрир» ғайриинсоний, шафқатсиз жиноятларни содир этмоқда. «Жэньминь Жибао» ўқувчилари Ўзбекистон бундай хуружларга бир неча бор тўқнаш келгани, хусусан, Андижон шаҳрида яқинда содир этилган воқеалардан хабардор бўлсалар керак.

Давоми 3-бетда.

# ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ИШОНЧЛИ ДЎСТИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН, БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**Охири. Боши 1-2-бетларда.**

Террорчиларнинг ҳарбий объектларга ва қамоқхонага ҳужуми оқибатида ўнлаб милиционерлар ва ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлди, босқинчилар катта миқдорда қурол-аслаҳани қўлга киритди. Юзлаб жиноятчилар қамоқдан чиқариб юборилди ва қуроллантирилди. Сўнг улар аёллар, қариялар ва болалардан иборат «жонли қалқон» панасида вилоят маъмурияти биносини эгаллаб олди. Жиноятчилар ва уларнинг орқасида турган кучлар мутлақо бегуноҳ тинч фуқаролар жонига қасд қилишдан тап тортмай, нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш, шу орқали ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш, конституциявий тузумни ағдариб ташлаш ҳамда жамиятни дунёвий тараққиёт йўлидан оғдириш, мамлакатдаги ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнини ортга қайтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли чораларни кўриб, мамлакатимизда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида жиноятчилар, уларнинг хориждаги раҳнамолари ва ҳомийларининг ёвуз режаларини барбод қилди.

Бугун ҳаммамиз учун шу нарса муҳимки, ШҲТнинг Тошкентда қароргоҳи жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишлари ҳамда халқаро жиноий фаолиятни молиявий таъминлаб турган наркотрафикка қарши изчил курашиш борасида минтақа мамлакатларига кўмаклашиши зарур.

ШҲТга аъзо давлатлар минтақанинг барқарор ривожланиши тарафдори бўлган барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин ва лозим. Бинобарин бунда, менингча, ШҲТнинг блок ёки ёпиқ альянсга айланиб қолмаслиги, очиқлиги, БМТ Низоми мақсадлари ва тамойилларига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан амалий мулоқот ва ҳамкорлик қилишга тайёрлик каби асосий тамойилларига риоя этиши жуда муҳим ахамиятга эга.

Хавфсизлик масалаларидан ташқари, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни Ташкилот фаолиятининг ҳаётий муҳим йўналиши деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда ушбу соҳани равнақ топтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Бугун Ўзбекистон йўллари, шу жумладан, янги барпо этилаётган коммуникациялар барча кўрсаткичлар бўйича энг замонавий халқаро стандартларга жавоб беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва ХХР ўртасида тўғридан-тўғри транспорт йўлагининг йўқлиги савдо-иқтисодий муносабатларимизни ривожлантиришга монелик қилмоқда. Биз Хитой, Қирғизистон ҳукуматлари ва Осиё тараққиёт банкининг Иркештом-Ўш-Андижон автомобиль йўли қурилишини тезда якунлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Аминманки, ҳозирнинг ўзидаёқ мазкур йўналиш бўйича темир йўл қурилишига тайёргарликни бошлашимиз зарур. Бу йўл Хитой, Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи ҳамда Афғонистон орқали Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқувчи қитъалараро магистралнинг муҳим қисми бўлади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режасини амалга ошириш борасидаги яқин ҳамкорлиги Ташкилот доирасида иқтисодий асоснинг тубдан кенгайиши учун мустаҳкам пойдевор яратади. Энергетика, транспорт, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк ва экология соҳалари бундай ҳамкорликнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

**Савол: Ўзбекистон сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида қандай ютуқларга эришди? Сизнингча, мамлакатингизда барқарорликни сақлаш ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили нимада?**

**Жавоб:** 2003 йилда Ўзбекистонда миллий валюта конвертацияси жорий этилди. Ўтган 2004 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, инфляция даражаси 3,7 фоизгача пасайди. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга ортди. Бу ютуқларга биринчи навбатда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар сиёсати босқичма-босқич амалга оширилаётгани туфайли эришилди.

Ташқи савдода салмоқли натижалар қўлга киритилди. Экспорт 30 фоизга ўсгани ҳисобидан ижобий сальдо 1 миллиард доллардан ошди.

Йил давомида Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари 14 фоизга кўпайди ва ҳозирги вақтда улар ялпи ички маҳсулотнинг 36 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг реал тармоғига киритилган сармоя ҳажми анча ортди ва ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини ташкил этди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий соҳани ривожлантириш ва Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2004 йилда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 16 фоизга кўпайди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланади. Уларнинг кўламини тасаввур қилишингиз учун фақат битта рақам келтираман. Таълим учун харажатлар Давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида икки мингга яқин янги турдаги касб-ҳунар коллежи ва лицейлар қурилади. Мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда. Болалар спортини ривожлантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон давлат ва жамиятни ислоҳ қилишнинг аниқ ва узоқ муддатли стратегиясига эга ҳамда ўз келажагини қатъият билан барпо этмоқда. Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашни келгуси ўн йилликларда Ўзбекистон барқарор ривожланишининг омилларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комилки, сизнинг буюк мамлакатингизга бу галги давлат ташрифимиз икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим ҳисса қўшади. Яна бир бор таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Хитой учун дўст давлат ва ишончли ҳамкор бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, «Жэньминь Жибао» газетасининг барча ўқувчиларига ва улар орқали бутун Хитой халқига бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилайман.

# ХИТОЙ МАТБУОТИ «ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШРИФИ» ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи Хитой матбуотида кенг ёритилмоқда.**

25 май куни ушбу мамлакатнинг етакчи газетаси — «Жэньминь Жибао» ўз мухбири Юй Хунцзяннинг давлатимиз раҳбари билан бўлган салмоқли интервьюсини чоп этди. Унда ўзбек-хитой муносабатлари ва халқаро ҳаётга доир кенг қамровли масалалар атрофлича ифода этилган.

26 май куни Хитойнинг бошқа кўплаб газеталари сингари «Жэньминь Жибао» ҳам икки давлат раҳбарлари музокараларининг якунлари бўйича Дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланганлигига оид «Синьхуа» ахборот агентлигининг хабарини чоп этди. Хабарда ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг ушбу ҳужжат икки мамлакат халқларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган дўстликни ривожлантириш йўлидаги ўзаро интилиш ва қатъиятини ўзида акс эттирган бўлиб, у Хитой-Ўзбекистон муносабатларини узоқ истиқболли ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий асос қўйгани ҳамда Ўзбекистон халқи танлаган мустақил тараққиёт йўли, шунингдек, мамлакатимизнинг давлат мустақиллигини, тенг ҳуқуқлилиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини Хитой давлати ҳурмат қилиши тўғрисидаги сўзлари ўз ифодасини топган.

Ху Цзиньтао минтақадаги аҳвол ҳақида гапира туриб, тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни сақлаш масалаларида, ўзаро тараққиёт ва фаровонликка интилиш борасида Хитой Марказий Осиё мамлакатлари билан муштарак манфаатларга эга эканлигини баён этди. Мақолада Хитой томони янгича шароитларда минтақа мамлакатлари билан икки томонлама асосда бўлгани каби, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳам биргаликда ҳаракат қилиш ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, терроризм, экстремизм ва сепаратизмдан иборат «уч бало»га қарши биргаликда курашиш, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий ҳамкорликни узлуксиз ривожлантиришга кўмаклашишга доим тайёр эканлиги қайд этилади.

Инглиз тилида чоп этиладиган «Чайна дэйли» газетасининг 25 май сонида «Давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичига туртки беради» сарлавҳаси остида катта мақола эълон қилинган. Унда республикамиз ҳаётига оид маълумотлар, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва бу борада эришилган ютуқлар, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар атрофлича ўз аксини топган. «Бугунги Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг ўсиши шуни кўрсатадики, мамлакат ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнларини жадал ва муваффақиятли амалга ошириш борасида изчил ва барқарор ҳаракат қилишда давом этмоқда», — дейилади ушбу мақолада.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий йўналиши ҳақида сўз юритар экан, газета шундай ёзади: «Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида миллий манфаатлар устуворлиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, Марказий Осиё минтақасида ва, умуман олганда, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш тамойилларига асосланади. Кейинги йилларда Ўзбекистон минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм билан кураш юзасидан қатор ташаббуслар билан чиқди».

«Чайна дэйли»нинг навбатдаги сонида чоп этилган «Хитой ва Ўзбекистон алоқаларни мустаҳкамламоқда» сарлавҳали мақолада имзоланган икки томонлама ҳужжатлар сирасидан Хитой миллий нефть компанияси ва «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисидаги битимга эътибор қаратилади. Газета ХХР Раисининг Ўзбекистон томонига газ, тоғ-кон, телекоммуникация ва транспорт соҳаларида икки тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича даъват этиб айтган сўзларини келтиради. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлишида Хитой раҳбарияти кўрсатадиган қўллаб-қувватлаш ҳақида хам сўз боради.

Қуролланган экстремистларнинг жиноятkorona хуружи натижасида Андижонда рўй берган нохуш воқеаларга тўхталиб, «Чайна дэйли» Президент И.А. Каримовнинг ташрифига қадар ҳам ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Кун Цюань Хитой Ўзбекистоннинг юқорида зикр этилган «уч бало»га қарши кураш ҳамда ички ва минтақавий барқарорликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қатъиян қўллаб-қувватлаши ҳақида баёнот берган эди, деб ёзади.

Қатор газеталар хитойлик ҳамда хорижлик журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакили айтган сўзларини келтиришади: «Эҳтимол кимдир Ўзбекистонда вазият беқарор бўлиб қолишидан умидвордир. Бироқ Хитой бошқача ҳисоблайди. Биз Ўзбекистонда яқинда содир этилган фавқулодда воқеалардан сўнг мамлакатда вазият тезда асл ҳолига қайтади, одатдаги ижтимоий тартиб ўрнатилади, Ўзбекистон халқи яна рисоладагидек ҳаёт кечиради, деб умид қиламиз. Ишончим комилки, барча қўшни мамлакатларнинг умумий тилаги ана шундай. Шу жумладан, Хитойнинг ҳам».

**«Жаҳон» АА.**

## Муҳаммад ТАНТОВИЙ:

# ЭКСТРЕМИСТЛАР РЕЖАЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИШИ ИСЛОМ ОЛАМИНИ КЎП АСРЛАР ОРҚАГА СУРИБ ЮБОРАДИ

Андижон воқеалари хусусида хорижий сиёсатчилар, олимлар ва журналистлар билан бир қаторда дин арбоблари ҳам ўз фикрларини билдирмоқдалар. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири мусулмон оламининг таниқли уламоларидан бири, Миср Араб Республикасининг бош имоми, «Ал-Азҳар» мажмуи шайхи Муҳаммад Саид Тантовий билан учрашди.

«Ал-Азҳар» шайхи Андижондаги фожеали воқеалар муносабати билан Миср халқи ва ислом олами жамоатчилиги номидан таъзия билдириб, экстремист кучларнинг ёвуз ҳаракатларини кескин қоралади. У баъзи оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган воқеалар талқинини очиқдан-очиқ бузғунчилик ва бўҳтон сифатида баҳолаб, «муқаддас ислом динининг асл моҳиятига зид бўлган диний экстремизм ва террорчиликка қарши курашдаги Ўзбекистоннинг қатъий позицияси»ни қўллаб-қувватлашини айтди. У хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамжихатлик таъминланган давлатгина тараққиёт ва халқ фаровонлигига эришиши мумкинлигини таъкидлади.

Шу маънода барча саъй-ҳаракатлар тинчлик ва осойишталикни сақлашга, жамиятни парчалаб юборишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши курашга йўналтирилмоғи лозим.

Муҳаммад Тантовий турли террорчи ва экстремистик гуруҳлар «ислом халифалигини тиклаш» ва «жиҳод» каби бузғунчилик руҳидаги шиорларни ниқоб қилиб олиб, ўзининг ғайриинсоний мақсадларига эришишга уринаётганини қайд этди. «Жиҳод» сўзининг маъноси ўзини, ватанини, уйини, мулкини ташқи хавфдан ҳимоя қилишни англатади. «Ал-Азҳар» шайхининг фикрича, террорчилик ва диний экстремизм - одамлар ҳаёти ва мулкига нисбатан тажовуздир.

Шайх халифалик тузиш ҳақидаги даъватларни ҳақ йўлидан адашган кимсаларнинг фитнаси, деб атади. Ҳозирги шароитда халифаликни тиклашга ҳеч қандай зарурат йўқ. Чунки ислом динининг бугунги асосий талаби - «мусулмон давлатлари ўзининг мустақиллигини, тинч-тотув ҳаёт кечиришини, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни сақлаб қолиши»дан иборатдир.

Миср бош имоми Андижондаги экстремистлар қўллаган усуллар ва тактика 70-йилларда Мисрда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларига ўхшаш эканлигига эътиборни қаратди. «Ҳизбут-Таҳрир»нинг Миср бўлими ҳарбий қанотининг собиқ раҳбари С.Сиррий бошчилигидаги жангарилар 1974 йил июнь ойида Ҳарбий-техника институтига ҳужум қилиб, у ерда сақланаётган қуролларни қўлга киритиш, кейин мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширишни режалаштирган эди.

Муҳаммад Тантовийнинг фикрича, мусулмон аҳли исломнинг ҳақиқий арконлари билан, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун ислом динини ниқоб қилиб олган турли гуруҳлар, жумладан, «Ҳизбут-Таҳрир»нинг сохта шиорлари ўртасидаги фарқни англаб етишлари зарур. «Ҳизбут-Таҳрир» аъзолари ўзларини 26 миллионлик Ўзбекистон халқи вакиллари дейиши учун уларнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Диний экстремистлар режаларининг амалга ошиши кўплаб мусулмон мамлакатлари тараққиётини кўп асрлар орқага сурилишига олиб келади.

Муҳаммад Тантовий Ўзбекистон билан Миср халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларга тўхталар экан, ўзбек заминидан етишиб чиққан, ислом дини ва жаҳон фан-маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал Мотуридий, Ал Фарғоний номларини тилга олди.

Шайх адолатли давлат барпо этаётган Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлиги ва аҳиллиги жамият барқарорлиги ва гуллаб-яшнашининг гарови эканлигини алоҳида таъкидлади.

**«Жаҳон»-ЎзА**

---

Ўтган йилнинг декабрида иш бошлаган «Elektron xisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг таъсисчилари - «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси, «Uzenergosotish» шўъба корхонаси, «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «Hangzhou zhongya technology Co.LTD» компанияси.

# ИСТИҚБОЛЛИ ҚЎШМА КОРХОНА

— Ўзбекистонда энергияни ҳисобга олишнинг замонавий тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — деди корхона бошқаруви раиси Хуан Чжичен ЎзА мухбирига. — Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тежамкорликнинг бош кафолатидир. Корхонамизда жорий йилда 150 минг дона электр қувватини ҳисоблагич ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозиргача қиймати салкам бир миллион АҚШ долларига тенг 50 минг дона маҳсулот мижозларга етказиб берилди. Келгусида ишлаб чиқаришнинг эллик фоизини маҳаллийлаштириб, маҳсулот ҳажмини йилига 450 минг донага етказиш кўзда тутилган.

Мазкур ҳисоблагичларда замонавий техник қурилмалар — интерфейс ва микрочиплар ўрнатилган. Улар сарфланган энергияни юқори аниқликда қайд этади. Рақамли технологиялар воситасида улардан масофада туриб ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунда жараён диспетчерлик пультидан автоматлаштирилган тизимда бошқарилади.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабда ўтказилган йиғилишда барча туман бўлимлари кенгашларининг ҳисоботи тингланди ва соҳа сардорлари томонидан тайёрланган сценарийлар, плакатларга баҳо берилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Нуроний» шифохонасида бўлиб ўтган тадбир Андижон воқеаларига бағишланди ва унда террористик, экстремистик гуруҳлар ҳаракати кескин қораланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик танловининг финал босқичи ҳуқуқшунослик, тарих, биология, ўзбек филологияси факультетлари талабалари ўртасида бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалла гузарида туманнинг энг намунали маҳаллалари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 342-мактабга тарбия масканида «Хайр боғча, ассалом мактаб» деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида Никоҳ ва оила маросимлари маркази томонидан ўтказиб келинаётган «Оила қурувчилар мактаби»нинг навбатдаги машғулоти ўюштирилди.

● **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли шоир ва адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

---

# МАХСУС МАКТАБЛАР УЧУН ДАРСЛИКЛАР

**2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида таълим сифатини янада ошириш, ўқув адабиётларини замон талаблари асосида қайтадан яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Дастурга мувофиқ тиббий кўмакка муҳтож ўқувчилар учун ҳам махсус дарслик ва ўқув адабиётлари яратишга жиддий аҳамият берилмоқда.**

Халқ таълими вазирлиги томонидан шу йилнинг ўзида мазкур йўналишдаги таълим муассасалари учун ўн беш номда дарслик ва ўқув адабиёти нашр этиш кўзда тутилган. Ҳозиргача уларнинг саккизтаси босмадан чиқди. Жумладан, давлат таълим стандартлари асосида яратилган брайл ёзуви асосидаги «Алифбе», «Тарих» дарсликлари юқори сифати билан ажралиб туради.

Халқ таълими вазирлиги билан Республика таълим маркази ташкил этган махсус мактаблар учун замонавий дарсликлар яратишни янада такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Бу борада қилинган ишлар атрофлича таҳлил этилиши билан бирга келгусидаги режалар ҳам белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

**«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг миллий кураш ва белбоғли кураш беллашувларига Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи мезбонлик қилмоқда.**

# БЕЛЛАШУВЛАР ШИДДАТЛИ КЕЧДИ

Ўн вазн тоифаси бўйича ўтказилган миллий кураш беллашувларида ўсмирлардан Самарқанд вилояти вакили Озод Пардаев, бухоролик Вали Болтаев ҳамда қашқадарёлик Сарвар Рўзибоев ўз вазн тоифасида навбатдаги олтин медалларни қўлга киритди.

Қизлардан пойтахтлик Мария Шекерова, жиззахлик Ирода Абдураҳмонова ва хоразмлик Ўғилжон Рўзметова ўз вазнида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Тошкент аграр университетида баскетбол ва бокс беллашувлари давом этмоқда.

Ўсмирлар ўртасидаги баскетбол баҳсларида наманганлик спортчилар қорақалпоғистонлик баскетболчилар устидан 61:42 ҳисобида ғалаба қозонди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Тошкент шаҳри - Навоий 69:66, Андижон - Сурхондарё 84:21, Бухоро - Сирдарё 83:26.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Андижон - Самарқанд 55:49, Хоразм - Сирдарё 39:33, Навоий - Сурхондарё 31:17, Наманган - Қорақалпоғистон 77:66.

Ёш чарм қўлқоп усталари саралаш баҳсларида ярим финал йўлланмасини қўлга киритиш учун беллашмоқда. Унда Андижон, Тошкент вилояти ва пойтахт боксчилари муваффақиятли иштирок этмоқда.

**ЎзА**

---

*Иқтисодиёт*

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришда маҳаллий хом ашёдан бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини оширишга қаратилган божхона преференциялари ва солиқ имтиёзларининг самарали тизимини яратиш, маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этаётган корхоналар раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш ҳам бу борадаги таъсирчан механизмлардан биридир.**

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни янада рағбатлантириш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳисобига товарлар импортини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, мамлакатимиздаги 140 та корхонанинг 187 та лойиҳа бўйича 165 турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, тасдиқланган дастурлар асосида жорий йилда 143 та лойиҳа ишлай бошлаши режалаштирилган. Қувонарлиси ҳам шундаки, ҳозирга келиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга яратилган имконият ва имтиёзлар ўз самарасини бераяпти. Мисол учун Маҳаллийлаштириш дастури бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарда янги маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши натижасида туғилган зарурият сабабли жами 2584 та янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Қарорда Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчилар солиқнинг бир неча туридан озод қилингандир. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, қўлланилган имтиёзлар натижасида солиққа тортишдан бўшаган ҳолда, ҳосил бўладиган маблағлар Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган вазифаларни таъминлашга йўналтирилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган. Қарор ижросини тўлатўкис адо этиш орқали салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган корхоналар сафи кенгайиб бораяпти. Масалан, оловга бардошли буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Огнеупор» ОАЖ ўтган йили салкам 70 миллион сўм миқдорида ягона солиқ тўлашдан имтиёзга эга бўлди, ундан ҳосил бўлган маблағ эса ишлаб чиқаришда янги автоматлаштирилган линиялар ўрнатишга йўналтирилди.

**Жасур САТТОРОВ**

## *Ойбек таваллудининг 100 йиллигига*

# ОЙБЕК

*Ўзича тушмаган осмондан Ойбек,*
*Яралмиш меҳр ила армондан Ойбек.*

*Агарчи давр уни тилдан аюрди,*
*Вале айрилмади иймондан Ойбек.*

*Уни ўз лафзига зор айлаганлар,*
*Қувонмишларки: қолди сондан Ойбек.*

*Ҳасад ғавғосию миннат жафоси,*
*Не кўрди ул бузуғ даврондан Ойбек?*

*Эзилган кифтларида ўзбаки тўн,*
*Ўтиб келди очиқ зиндондан Ойбек.*

*Ахир инсон эди ул буюк,*
*ул камтарин зот,*
*Садоқат истади инсондан Ойбек.*

*Уни ўйлантириб миллат камоли,*
*Кечирмиш дардларин жонидан Ойбек.*

*Зарифа опамиз ким — қувват олмиш,*
*Ўзи тоғ бўлса ҳам райҳондан Ойбек.*

*Ватандин кетмаган, сингмиш Ватанга,*
*Етишган шу улуғ карвондан Ойбек.*

*Ўзи йўқ, жисми йўқ, лек кўзлари бор,*
*Навоийдек боқар айвондан Ойбек.*

*Сирожиддин САЙЙИД*

# АБАДИЙ ҲАЁТСАН

## (Шеърий пайров)

*Ойбек хотирасига*

*Покиза ва буюк "Туйғулар" билан,*
*Шеърият боғида бошладинг парвоз.*
*Дўстликни энг суюк орзулар билан,*
*"Кўнгил найлари"да куйладинг, устоз,*

*Юксакка интилиб яшадинг ҳар дам,*
*Мисралар йўғрилди гўзал нашъа-ла.*
*Ўттизинчи йиллар ўзи чиндан ҳам,*
*Шеърларинг порлади мисли "Машъала".*

*Шайландинг ёвлардан олмоқ учун "Ўч",*
*Севги деб ҳамиша тортдинг-да наъра.*
*Буларни унутмам, унутмагай ҳеч,*
*"Дилбар давр қизи", "Темирчи Жўра".*

*Эркка ташна эдик неча замонлар,*
*Бу ҳақда доимо чуқур ўйладинг.*
*Озодлик йўлида тўкилган қонлар,*
*"Қутлуғ қон" эканин жўшиб куйладинг.*

*Аввал достонда-ю, сўнгра романда,*
*"Навоий" сиймосин ярата олдинг.*
*Уруш бораётган кезлар Ватанда,*
*Сен ҳам бир жангчига айланиб қолдинг.*

*Ҳа, "Олтин водийдан шабадалар"да,*
*Ўша дур қидириб юрган одамлар.*



*Қалбингдан жой олди узоқ элларда,*
*Ҳатто "Нур қидириб" юрган одамлар.*

*Ўзингдан ўрганиб олганимдир бу,*
*Узоқ фалсафага йўқ менда ҳавас.*
*Сен ўлган эмассан, тириксан мангу,*
*Сен-қуёш, демакки, "Қуёш қораймас".*

*Сен ҳаёт завқини шеърингга солиб,*
*Гоҳо шаҳардасан, гоҳо чўлдасан.*
*Абадий ҳаётсан, абадий ғолиб,*
*Истиқлол аталган "Улуғ йўл"дасан.*

*Носир АЛИ*

# БИР УЧРАШУВ ТАРИХИ

**Бу учрашувга роппа-роса 44 йил бўлди. У пайтда мен Тошкентдаги 11-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқир эдим. Адабиёт дарсларига бўлган қизиқишим, бадиий асарларни чанқоқлик билан ўқишим, ўзим ҳам бирор нарсани ижод қилиш, ёзиш ҳақидаги ширин орзу мени ўша пайтдаги Н.Островский номидаги ўқувчилар саройига йўллаган эди.**

Мен ўзимга тенгдош бўлган 15-20 чоғли болалар билан у ердаги адабиёт тўгарагининг фаол аъзосига айландим. Ушбу тўгаракнинг овози узоқ-узоқларга таркалиб улгурган, тўгаракдан Эркин Воҳидов, Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур каби шоир ва ёзувчилар етишиб чиқиб, номларию китоблари эл аро достон бўлиб улгурган эди.

Тўгарагимизга таниқли болалар шоири Қудрат Ҳикмат марҳум раҳбарлик қилар, биз эса ҳафтада икки марта бўладиган тўгарак машғулотларини интиқлик билан кутар эдик. Бир куни ҳовлида Қудрат акани сарой директори, болалар шоири ва маданият ходими, болапарвар ва бағри кенг Рўзимат ака Даминов (раҳматли) билан суҳбатлашиб турганининг гувоҳи бўлдим. Суҳбат тахминан шундай кечган эди:

— Шу ўқувчиларимиз, адабиёт тўгараги қатнашчиларини устоз Ойбек домла билан учрашувга олиб борсам деган эдим, — деди Қудрат ака Рўзимат Даминовга. — Фарзандларимиз Ойбекдек буюк адибни ўз кўзлари билан кўрсалар, уларнинг хотираларида бу воқеа йиллар ўтса ҳам унутилмас эди.

— Менинг қаршилигим йўқ, — деди Р.Даминов.— Қани эди, тўгарагингиз аъзолари Ойбек домлани кўриб, ўз таассуротларига эга бўлсалар. Лекин домла ўқувчиларимизни қабул қила олармиканлар? Бунинг устига Ойбек домла гапира олмайдилар, бу ҳол у кишига ноқулайлик туғдирмасмикан?

— Мен домла билан келишиб қўйганман, — деди Қудрат Ҳикмат.

Машғулот чоғида тўгарак раҳбаримиз бўлажак учрашув тўғрисида гапириб, бориладиган кун ва вақтни белгилади.

Биз учрашув кунини сабрсизлик билан кута бошладик. Ниҳоят орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди ва биз Ойбек домланинг уйи томон йўл олдик.

Эшикда бизни Зарифа ая илиқ қарши олиб, уйга бошладилар. Ва ниҳоят биз ўз кўзимиз билан улуғ адиб, донғи кетган катта ёзувчини кўрдик. У киши барчамиз билан қўл бериб, сўрашиб чиқдилар. Ана шунда менинг ўн тўрт ёшли зеҳнимда Ойбек домланинг нигоҳлари, майин табассуми муҳрланиб қолди. Домла ниҳоятда шод эдилар. У киши ниманидир гапиришга ҳаракат қилардилар, аммо, тиллари ўзларига бўйсунмас эди. Фақатгина «Избн» деган қандайдир номаълум сўзними ёки ибораними талаффуз этардилар холос. Ўша 1961 йилдан кейин қирқ тўрт йил ҳам ўтибди-ки, ана шу сўзлар ҳали-ҳануз ёдимда...

Биз ёшлар у вақтда буюк ўзбек ёзувчисининг бошидан қанчадан-қанча фожеий воқеалар ўтганидан бехабар, ул зот билан боғлиқ бўлган айрим гаплардангина озгина хабардор эдик. Домлани асосан мактаб дарсликларида берилган мавзулар орқалигина билардик. Домланинг туҳматга учраганлигини билмасдик, ўша туҳмат балолари ўзбекнинг ўзига ўхшаган содда, аммо қатъиятли буюк ёзувчисини ана шу кўйга солгани ҳам бизга қоронғу эди...

Бироқ, ана шундай дамларда ҳам Ойбек домла ўз руҳий ҳолатини билдирмай, уни ич-ичига беркитиб, сиртига чиқармай, мавлоно Румий «Ичингдаги ичингдадир» деганларидек, шикоят қилмай ёруғ кунларни кутган эди. Бунинг учун домлада катта куч, буюк инсонларгагина хос бўлган ирода, сабр- бардош мужассам бўлганлигини улғайганимдан сўнг англаганман. Домла кутган ёруғ кунларга эса оз эмас, кўп эмас, ўттиз йил бор эди ҳали...

Биз 10-12 чоғли болаларни Ойбек домла ҳовли томон етакладилар. У кишининг кийимлари ҳам негадир аниқ-тиниқ ёдимда: енги калта катак кўйлак ёзги шим устига тушириб қўйилган, бошларида эса домланинг барча суратларида биз кўравериб таниш бўлиб кетган дўппи.

Домла бизга узум поясига осиғлиқ қафасдаги саъваними ёки тўтиними кўрсатиб нимадир демоқчи бўлдилар. Аммо, гап чиқмади. У киши камтарона жилмайдилар. Кейин бизни, барчамизни бир-бир бағриларига босиб, яна нималардир демоқчи бўлдилар. Аммо яна тил бўйсунмади...

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Биз — адабиёт тўгарагининг қатнашчилари ҳаётда ўз йўлимизни топиб, бирор касб-ҳунарнинг қўлидан тутдик. Тўгаракдош тенгдошларимиздан ҳозирда таниқли радиожурналист, ширали овоз соҳибаси Маъпурахон Муҳамедова ва шоира ҳамда олима Ҳафизахон Шарофхўжаева адабиёт соҳасида хизмат қилмоқдалар.

Вақт мени ўша машҳур учрашувдан қанчалик узоқлаштирса, у ҳаётимда шундай ўчмас из қолдирганини ҳис қилиб бораман. Тенгдошлар, таниш-билишлар, кейинчалик фарзандлар даврасида машҳур адиб билан учрашганим, у билан ёнма-ён суратга тушганимни фахр билан ботбот такрорлаб келаман. Шунинг баробарида Ойбекнинг метин ирода соҳиби эканлиги, бошига неки кулфат, адолатсизлик ва азоблар тушмасин, барчасига бардош берганини кейинчалик тушуниб етдим. Маломатлар таъсирида руҳан қийналган адибнинг инсультга мубтало бўлиб, ўнг қўли бутунлай ишламай қолгани, тили фалаж бўлиб, дудуқланиб қолганида:

**Хастамен... фикрга туйғуга тўлиб —**
**Ой менга ҳамқадам —**
**сокин юрамен.**
**Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,**
**Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен,**

деб ёзганларининг ҳам мағзига етдим.

Маълумки, "Навоий" романи Ойбекка жуда катта шуҳрат келтирди. Мукофотлар олди, депутат бўлди. Роман кетма-кет бошқа тилларда чоп этила бошлади. Бироқ, ўтган асрнинг 50-йилларида Ойбекни миллатчиликда айблашади, Навоий тимсолида ўтмишни идеаллаштирган, деган гуноҳ, айбни бўйнига илмоқчи бўлишади, матбуот орқали унга қарши туҳмат тошлари ёғилади. Аммо ўз ижодий фаолиятининг катта қисмини Навоийни ўрганиш ва ўргатишга бағишлаган улуғ адиб ўзи танлаган йўлдан чекинмайди. «Ватан учун, ҳар бир жон учун ҳар лаҳза ўзини қурбон қилмоққа ҳозир турмоғи керак» деб Навоий тилидан гапирган Ойбек замонасозлик қилмади.

Умуман, Ойбек домла билан Навоий даҳоси ўртасида қандайдир яқинлик, боғлиқликни сезади киши. Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоийдан сўнг фақатгина Ойбекнинг асарлари йигирма жилдга жо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустақиллик йилларида Ойбек ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишга эътибор кучайди. Унинг ўзбек адабиёти, маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари муносиб баҳоланиб, Президентимизнинг 2000 йил 25 августдаги Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

2004 йилнинг 21 декабрида эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Мусо Тошмуҳаммад ўғли- Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эса улуғ адибнинг хотирасига бўлган юксак эҳтиромнинг ифодасидир.

Бундан 44 йил аввал бўлиб ўтган учрашувни эслаш баҳонасида забардаст алломa, улуғ адиб, камтарин инсон — Ойбек домла хотирасини яна бир бор эслашни жоиз деб билдик.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими**

# УЛУҒ АДИБГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасида китобхонлар ўртасида турли мавзулардаги оммавий тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.**

Ана шундай анжуманлардан бири улуғ ўзбек адиби, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланди. Адабий кечанинг мавзуси «Ойбек ижодида Алишер Навоий сиймоси» деб номланди. Кечага таклиф этилган филология фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Санжар Содиқов Ойбекнинг ҳаёт йўли, ўзига хос ижоди билан адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида атрофлича сўзлаб берди.Адибнинг улуғ мутафаккир шоирнинг ҳаёти ва ижодини маҳорат билан ёритиб берган «Навоий» романининг тарихини, беназир инсоннинг шахсиятини ўрганишдаги бебаҳо қимматли аҳамиятини жаҳон олимлари эътироф этган мисоллар билан баён этди. Шунингдек, Ойбек меросига мансуб турли жанрларда ёзилган «Гули ва Навоий», «Алишернинг ёшлиги» асарларининг ҳам ўз ўрни борлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуманда қатнашган пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг битирувчи синф ўқувчилари, Республика махсус кўзи ожизлар касб-ҳунар коллежи талабалари ва бошқа китобхонлар ўзларини қизиқтирган «Навоий» романининг ёзилиш тарихи, унга олинган тарихий манбалар ва бошқа адабий жараён борасидаги турли саволларига жавоб олдилар. Адабий кечага бағишлаб китоб кўргазмаси ташкил этилиб, Ойбекнинг Луи Брайль алифбосидаги ва овозли турда нашр этилган «Навоий» романи ва бошқа асарлари, шунингдек адиб ҳақидаги китоблар китобхонларга тавсия этилди.

**Фозилжон ОРИПОВ,**
**Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори ўринбосари**

*Танловлар*

# ОНА-ВАТАН НАВОЛАРИ

**Қўшиқ — инсонларни гўзалликка, эзгуликка, нурли манзилларга етакловчи оҳанграбодир. Инсон яралибдики, куй-қўшиққа меҳр қўйиб яшайди. Унинг майин садоси ва сеҳрли навоси фақат қалбларга ором бағишлаб қолмасдан, балки яшашга иштиёқ уйғотади.**

Яқинда "Туркистон" саройида Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан анъанавий "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Ушбу тадбир Президентимиз ташаббуслари билан 1996 йилдан бошлаб, ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шуҳрат Қаюмов, Илҳомжон Фармонов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Дилноза Мирзахўжаева, хушовоз хонандалар Аҳаджон Тўлаганов, Жамолхон Сайфуллаевлар ушбу кўрик-танловда ғолиб чиқиб, элимизга машҳур ва манзур бўлганлар.

Кўрик-танловда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамкорлигида шаҳримизнинг барча туманларида ўтказилган туман босқичларида муваффақиятли қатнашган кўзга кўринган дасталар, яккахон хонандалар иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар танлов иштирокчиларига омад тилаш баробарида унинг замирида миллийлигимизга, урф-одатимизга юксак эҳтиром, қадриятларимизга эътибор ётиши, асосийси, Ўзбекистон дея аталмиш жаннатмакон юртимизнинг бугуни, эртаси, гўзаллиги-ю, ҳусни жамолини тараннум этишда дилбар қўшиқларнинг кўпроқ ва савияли тарзда яратилиши, қўшиқлар ҳамоҳанглигида эса истеъдодли ёшларни танлаб олиш асосий мақсад эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг саҳнада бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва ёш хонандалар дилрабо қўшиқлари, жозибали рақслари билан ўз иқтидорларини намоён этдилар.

Йиғилганлар ҳар бир иштирокчини олқишлар ва гулдасталар билан қутладилар. Ҳаяжонли дақиқалар яқинлашиб, ҳайъат аъзолари танлов ғолибларини эълон қилдилар. Жами 30 нафар иштирокчи орасидан биринчи ўринга Шайхонтоҳур туманидан Нозима Ҳикматиллаева ва Нигора Исмоилова "Тошкент қизлари" қўшиғи учун, иккинчи ўринга Мирзо Улуғбек туманидан Нодирбек Зоитов "Ўзбекистон" қўшиғи учун, "Наво" дастаси ҳамда Умида Қобилжонова "Ўзбекистоним менинг" қўшиғи учун, учинчи ўринга эса Тоҳир Аҳмедов ижросидаги "Туркистон фарзандиман", шунингдек, Гулчеҳра Алиева "Ўзбекистон-кошонам менинг" қўшиқлари учун муносиб деб топилдилар.

Ғолиблар эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Биринчи ўринга муносиб деб топилган ғолиблар "Ўзбекистон қўшиқ байрами" танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Танлов ниҳоясида ҳайъат аъзолари ва иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

● Ҳабибулла РАҲИМОВ, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Кўрик-танлов аввалгиларига нисбатан янгиликларга бой ўтди. Айниқса, биз ҳайъат аъзолари учун ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Фикримча, қатнашчиларнинг деярли барчаси биринчи ўринга лойиқ эди. Ёшларимиз орасида истеъдодли, иқтидорли санъат ғунчалари сони йил сайин ошиб бораётганлигидан қувончим чексиз.

● Гулчеҳра АЛИЕВА, Ҳамза туманидаги "Замондош" номли маданият уйи хонандаси, танлов иштирокчиси:

— Мана шундай катта кўрик-танловларда иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Жумладан, ўтган йилдаги "Ўзбекистон — қўшиқ байрами" танловида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эдим. Бу сафар ҳам яхши натижаларни қўлга киритдим. Орзуим келгусида Муяссар Раззоқова, Аҳмад Жалолов сингари машҳур ва истеъдодли санъаткор бўлиш.

Дарҳақиқат, ушбу кўрик-танлов ҳар бир санъат ихлосмандлари, ёшлар қалбида сўнмас хотиралар ила сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

**Юлдуз УСМОН**

# БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ТАЙИН

**Мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, хусусан ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Юртимиздаги юзлаб касб-ҳунар коллежларини ҳар йили минглаб йигит-қиз битириб чиқади. Уларни иш билан таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардандир.**

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳузуридаги ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежида икки мингга яқин йигит-қиз ҳамширалик иши, акушерлик ва доришунослик йўналишлари бўйича сабоқ олаётир. Бу йил уларнинг беш юздан ортиғи коллежни тугатади.

—Талабаларимиз коллежимиздаги оилавий поликлиникада назарий билим ва кўникмаларини амалиётда бойитиб борадилар, —дейди ўқув-даволаш комплекси раҳбари Нигора Нурматова. —Коллежда ёшларимизнинг билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув ва машғулот хоналари, лабораторияларимиз замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Ёшларга малакали врач ва ўқитувчилар сабоқ беради. Шу боис тиббиёт муассасаларида бизнинг битирувчиларимизга талаб катта.

Битирувчиларимизнинг кўпчилиги тиббиёт институтларида таҳсилни давом эттиради. Қолганлари эса, соғлиқни сақлаш муассасаларига ишга юборилади. Ўтган ўқув йилида 322 нафар йигит-қиз коллежни битирган бўлса, шундан 79 нафари олий ўқув юрти талабаси бўлди. Икки юзга яқини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

**ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**КУНДУЗГИ БЎЛИМ: (9-синф базасида)**

**Қурилиш-пардозлаш ишлари**. Сувоқчилик, бўёқчилик, кошинлаш ва мармар ишлари.

**Сув таъминоти ва канализация тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш**, "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Газ таъминоти тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш,** "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Дурадгорлик ва паркет ишлари**. Қурилиш дурадгори, пол ва паркет ишлари устаси

**Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва давлат инвентаризацияси. Давлат кадастри бўйича хуқуқий маъмурий фаолият.** Кўчмас мулк регистратори. Кадастр бўйича ҳуқуқшунос.

Техник-архитектор.

**Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш**, "ВС" тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

**Менежмент.** Офис ва корхоналар менежери.

**Молия.** Бюджет ташкилотлари ва корхоналарини молиялаштириш. Аудит назорати.

**Бухгалтерия ҳисоби**. Иқтисодий таҳлил, аудит назорати.

**Компьютер графикаси**. Компьютер графикаси бўйича дизайнер, ЭҲМ оператори.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА: (11-синф базасида)**

Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш.

Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

Бино ва иншоотларни қуриш, улардан фойдаланиш.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.

Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспортининг нусхаси

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 485- уй**
**Тел. 397-79-32, 397-61-97.**
**20,53,35,46,87-автобусларнинг "Оқтепа" бекати**



**Собир Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежи қабул эълон қилади**

*Коллеж гуруҳларига 9-синфни битирганлар қабул қилинади:*

1. **Бухгалтерия иши (Бухгалтер аудитор)**
2. **Информатика ва коммуникация технологиялари (ЭҲМни ишлатиш бўйича мутахассис)**
3. **Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (Автомеханик)**

*Қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:*

1. Директор номига ёзилган ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома
3. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома
4. 086-U шаклидаги тиббий маълумотнома
5. 3х4 см. 4 дона фотосурат.

9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил олмаганликлари тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

**ҲУЖЖАТЛАР**
**1 августгача қабул қилинади.**

**Телефон: 46-74-16**
**Манзилимиз: Қамарнисо кўчаси, 1-уй.**
**(Метронинг "Беруний" бекатидан 12, 18-трамвайлар ва 10, 34, 28, 82-автобусларда "Коллеж" бекатига борилади.)**



**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси**

Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки

Бутун жаҳонга машҳур масхарабозлар, шунингдек аралаш ҳайвонларнинг катта гуруҳи иштирокида

**КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР**

Томошалар шанба, якшанба кунлари соат 15.00 да бошланади. 28, 29 май ва 1 июнда 15.00 да бошланади. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

**Касса соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**



"Радиодеталлари" дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар жамловчи, электрон, аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади.

Телефон 68-93-93



**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

ВА

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштардек санчилади.

Ҳикоят: кўр киши қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-баравarку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгил кўзи кўр бехабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўймагайсан.

• Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паришон яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардманд одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

• Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

• Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

• Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

• Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл.

• Агар жоҳиллигим намоён бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий»да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳакимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқрор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрнак олса бўладиган фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

Байт:

**Оқиллар наздида сукут**
**сақлаш одобдур,**
**Лек савол ташлаганда сўз**
**демоқ ижобатдир.**

Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари мазкур институт директори Дилбар Иноятовна Маҳмудовага отаси

**Иноят МАҲМУДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ИМЛАДИМ, СЕЗМАДИНГИЗ

— Ота, автобусда қийналиб юрмасдан "Юнусобод — Эски шаҳар" йўналиши бўйлаб қатновчи «Отайўл» микроавтобусига чиқсангиз манзилингизга эртароқ етиб борасиз, — дейишди уйда болалар.

Бу таклиф ўзимга ҳам маъқул келди. Ҳарқалай 14 рақамли «Отайўл» ихчамроқ, йўловчиси ҳам кам бўлади, бемалол ўтириб кетарман, — деган мақсадда «Баҳодир ошиёни» бекатида микроавтобусни анча пойлаб турдим. Ниҳоят мен кутган машина келди. Лекин афсуски, у анча тиқилинч экан. Ўриндиқлар қариялар, болали аёллар билан банд. Орқароқда ёшлар ҳам ўтиришибди. Улар:

— Келинг, ота, биз жойимизни бўшатиб берамиз, — деб туришибди. Лекин йўловчилар кўплигидан у ерга ўтишнинг иложи йўқ. Миннатдорчилик билдириб, тушишимга қулай деб олдироқда туравердим.

Орқамда икки ўспирин йигит хиринглашиб турибди. Ора-чора улар мени ҳам суҳбатга тортишади.

— Йўл бўлсин, отахон?! — дейишади кулиб.

—Бир айланиб келай дедим-да, — дейман.

—Опоқим битта ўзингизни кўчага ишониб чиқариб юбордиларми? — дейишади.

— Ҳа, энди, қариганда ишонмай қаёққа борарди, — дейман кулиб. Хуллас ҳазил-ҳузул билан Юнусобод бозори бекатига етиб келдик. Йигитлар мен билан хайрлашиб тушиб қолишди. Мен ҳам тушишга тайёргарлик кўра бошладим. Чипта олиш учун киссага қўл тиқдим. Чўнтак қоқ-қуруқ. Пулимни бошқа жойга қўйибман шекилли деб, у ёқ-бу ёғимни кавлаб қўйдим, йўқ.

— Отахон, чўнтагингизни титкилаб овора бўлманг, бояги йигитлар борингизни шилиб кетишди, — дейди ўриндиқда ўтирган ўрта ёшли киши.

— Кўрган экансиз, нега индамадингиз? — сўрайман ундан.

— Бошқалар ҳам кўриб-кўрмасликка олиб ўтиришди. Мен роса имладим, сезмадингиз, — дейди у ўзини оқлаб.

Аччиғим чиқди. Қаранг, қачонгача шунақа қиламиз. Кўриб-кўрмасликка оламиз. Ахир уларга мен индамасам, сиз индамасангиз, ўзгалар индамаса, бу нобакорлар одамларни кўз ўнгида шилиб кетишдан тойишмайди-ку. Ҳеч бўлмаса бугун менинг ҳамёнимни олиб кетган ўша чўнтаккесарлар мана шунақа бизнинг индамаслигимиздан фойдаланиб, эртага сизнинг ҳам ҳамёнингизни шилиб кетиши мумкинлигини ўйлаб кўрсангиз яхшироқ бўларди.

Бир дўстим қайғуриб, айтиб берган бу воқеани ҳеч қандай бежамай бор бўйича қоғозга туширдик.

## БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

Халқ донишманд. У кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб синаб, синовдан ўтказиб, билиб айтади. Мақол ва маталга айланиб кетган бу сўзлар бугунги кунда ҳар биримиз учун бебаҳо хазина. Масалан, биргина «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан», деган ҳикматли гапни олайлик. Унинг нақадар ҳаётийлиги, тўғри топиб айтилганлигига истаганча мисоллар келтириш мумкин. Мана бир ҳаётий воқеа.

Шорасул бошлиқнинг ҳузурига кирди. Ўзи билан бир хонада ўтирадиган ҳамкасби устидан бир челак мағзава ағдарди. Охирида масалани кўндаланг қўйди.

—Ё у ишласин бу ерда, ё мен...

Бу гапдан ишга янги келган бошлиқнинг боши қотди.

— Яхши, — деди у масалага якун ясаб, — бир сўраб-суриштирай. Бошқаларнинг ҳам фикрини билай.

Шу куни бошлиқ ҳузурига корхонада кўп йиллар ишлаётган мутахассисларни таклиф этди. Уларнинг тажрибали ходим Неъматжон Мансуров ҳақидаги фикрлари билан қизиқди. Йиғилганлар бир овоздан унинг энг яхши, ҳар томонлама намунали хизматчи эканлигини айтишди. Кейин Шорасул ҳақида сўраб-суриштирди. Мажлис аҳли уни ўрта-миёна ишчи, энг ёмони — ғийбатнинг уяси эканлигини билдиришди. Тақдир тақозоси билан корхонада тез-тез алмашиниб турадиган бошлиқларга шикоят қилиб, уларни сўзига ишонтириб, иқтидорли ходимлардан кўпчилигининг «бошига» етганлигини айтишди.

Шу билан йиғилиш тугади. Шорасулнинг мақсади бошлиққа аён бўлди. Бу орада Шорасул темирни қизиғида босиб қолиш учун ўзи кўтарган масала юзасидан яна бир неча бор бошлиқ ҳузурига кириб чиқди. Ҳар сафар бошлиқ турли баҳоналар билан муддатни чўзаверди. Лекин шу билан бирга Неъматжон ҳақидаги сўраб-суриштирувни тўхтатмади. Ниҳоят масала ойдинлашди. Шорасулнинг ҳамкасби хусусидаги айтганлари бориб турган туҳмат, уни кўролмасликдан тўқилган иғволигини аниқ билгач, қарори қатъийлашди. Шу орада Шорасул яна масалани ҳар галгидек қатъий қўйди. «Ё мен, ё у».

— Менга қаранг, — деди бошлиқ ниҳоят Шорасулнинг иғвосидан зерикиб, чарчаб. —Неъматжонни бўшатишга ҳеч қандай асосим йўқ. Сиз айтган сўзлар тасдиғини топмади. Шундай экан, агар ўша ҳамкасбингиз жонингизга теккан бўлса, у билан ишлашни хоҳламасангиз, бу қадар сиқилиб юрмангда, марҳамат қилиб ишдан бўшаш ҳақида ўзингиз ариза ёза қолинг.

Кутилмаган таклифдан Шорасул лол бўлиб қолди. Шундай қилиб, бировга қазиган чоҳига ўзи йиқилди.

## ДАМ ОЛИШ БЕКАТИ

"Олой" бозори рўпарасида Юнусобод даҳаси томон борадиган каттагина бекат жойлашган. Бу ердан ўтган-кетган автобус борки, тўхтаб ўтмай иложи йўқ. Баъзан улар бекатда шу қадар узоқ муддат туриб қолишадики, ҳар қандай йўловчининг ҳам тоқати тоқ бўлади. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик йўловчилар бу тўхташ жойига «Дам олиш бекати» деб ном қўйишган.

Тунов куни кечки пайт Амир Темур хиёбонидан 60-йўналиш бўйлаб қатновчи автобусга ўтирдик. У секинлик билан юриб «Олой бозори» бекатига етиб келди. Бекатда ҳар доимгидек автобуслар карвони тиқилиб кетган. Тўхташ жойига кириш учун бир-бирига йўл беришмайди. Орқадаги машиналар «Йўлни бўшат» деган маънода сигнал чалганичалган. Лекин олдида турганлар эса мутлақо бепарво.

Хуллас амал - тақал билан биз тушган автобус ҳам тўхташ жойига кириб олди. Кирди-ю таққа қотди. Йўловчилар бетоқат. Қани энди юрақолса.

— Барака топкур, юрақолинг, — илтимос қилади олдинги ўриндиқда ўтирган болали аёл.

— Юрақол ука, яна қанча кутамиз?

— Мунча бесабрсизлар! Сизлардан бошқа йўловчиларни ҳам олишим керак-да!

Бекатда 6-7 дақиқа вақтни йўқотдик.

— Ҳар куни аҳвол шу, — дейди йўловчилардан бири. — Наҳот мутасадди ташкилотлар «Олой бозори» бекати ҳайдовчилар учун дам олиш бекатига айланиб қолганидан бехабар бўлишса?

— Бу ерга автобуслар келди-кетди йўналишини кузатиб турадиган бирон нозимхона ўрнатишмаса бўлмайди. Шундагина бу жойда йўловчи транспортлар ҳаракатида бироз тартиб жорий этиш мумкин. Унгача шу ўзбошимчаликлар содир бўлаверади.

Бизга ҳам шу таклиф маъқул келгандек бўлди. Энг ёмони, автобуслар шу ерда туради, туради-да, кейин худди пойгалашгандек бир-бирларини қувиб, ўзиб кетишга уринишади. Ахир салондаги йўловчиларнинг хавфсизлигига жавобгар бўлган ҳайдовчиларнинг бундай пойгаси кун ўтиб бирор кор-ҳол бўлишига олиб келмаслигига ким кафолат беради?

## Мунажжим башорати

**28 МАЙ, ШАНБА**

**Мунажжимлар таъбирига кўра, бугунги кун рамзи «йилқилар уюри» бўлиб, чексиз кенгликлар қўйнига сайру саёҳатлар қилиш тавсия этилади. Шу билан бирга, бугунги кун йигитлар учун ўз жуфти ҳалолларини топиш, тўй-томошалар куни ҳисобланади. Ҳиндларда бугунги кун паноҳинг бўлишини истасанг — уйлан ва бахтингни топ, деган нақл юраркан. Умуман, шу куни уйланганлар турмуши мустаҳкам бўлиши башорат қилинади.**

Меҳнат маъносида эса, бугунги тер тўкиб қилинган меҳнат ҳам фаровонликка йўл очиб бераркан ва бу кўпроқ чексиз кенгликлар — яъни яйловларда чўпон ҳамда далаларда деҳқон меҳнатига алоқадордир.

Айни пайтда шу куннинг иккинчи ярмида Плутоннинг тасаввуримизга кўра орқага қараб ҳаракат қилиши ҳамда у билан Зуҳро юлдузи ўртасида юзага келадиган зиддият туфайли севишганлар ўртасида ҳам баъзи бир муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бундай вазиятларда мунажжимлар бир-бирларига эътиборли бўлишга, ўзаро жанжал-можаролардан қочишга даъват этишади. Бугунги кун йирик харидлар ва қарз олиш учун ҳам тўғри келмайди.

**БУ ШАНБАДА:**

— озиқ-овқатлар захирасини сақлаб қўйиш, узоқ сақланадиган буюмларни харид қилиш;

— хизматдошлар ва бошқа ишончли ҳамроҳлар билан сафарга чиқиш;

— яхши таниш ва кўнглингизга яқин кишилар билан улфатчилик қилиш;

— ўз сўзингиз устидан чиқиш учун сабот ва ирода кучингизни намоён этиш;

— молиявий ва рўзғор муаммоларини ҳал этиш, маблағ ва ашёларни тежаш йўлларини топиш тавсия этилади.

Қуёш остида ҳаддан зиёд кўп бўлиш, ўз эҳтиёжингизга керагидан ортиқ сарф-харажат қилишдан ўзингизни тийинг.

**29 МАЙ, ЯКШАНБА**

**Фазода Зуҳро ва Плутон ўртасидаги зиддиятнинг давом этиши билан боғлиқ равишда эрталабки соатларда ўзаро муносабатлардаги танглик давом этади. Жанжал-можаролар ва ўзаро «сан-ман»лардан эҳтиёт бўлинг. Зеро, сайёралар ўртасидаги зиддиятлар вақти келиши билан бир пасда ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетади. Аммо кўнгилнинг дарз кетишига малҳам топилиши учун узоқ вақт керак бўлиши мумкин.**

Соат 12.20 дан то 23 гача ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўлишидан келиб чиқиб, эҳтирослар ва нохуш хотиралар таъсирига берилмасликка ҳаракат қилинг.

**БУГУН:**

— одатий кундалик ишларни аста-секин давом эттириш;

— якунлар чиқариб, келгуси режаларни тузиш;

— кўп уринмай, ақл тарозусини ишга солиб, фикр-мушоҳада юритиш;

— ҳар қандай вазиятда сабр-қаноат ва вазминликни намоён этиш;

— мураккаб ҳолатларда фарзандларингиз ва қариндошларингизга ёрдам сўраб мурожаат этиш тавсия этилади.

Янги ишларни бошлашдан (уларнинг муваффақиятли якун топишига ишонч йўқ), бошлиқлар билан мулоқотда бўлиш, айш-ишратга берилишдан, (айниқса юрагингиз заиф бўлса) ўзингизни зўриқтиришдан сақланинг.

**30 МАЙ, ДУШАНБА**

**Мунажжимлар бугунги кун — Ойнинг 23-кунини алтруистик кун деб аташади — яъни бугун ўз манфаатлари эмас, бошқалар манфаати йўлида жонбозлик қилиш савобли ва фойдали ҳисобланади. Шу маънода ҳаёт ва иш тажрибалари зиёда бўлган катта ёшдаги кишилар ёш авлодга ўзларининг бор маҳоратларини сингдиришлари талаб этилади. Бунинг эвазига ўзларининг ҳам моддий аҳволлари яхшиланиши, касб-корларида омад ёр бўлиши кутилади.**

Бугун ҳар қандай таваккалчилик, қалтис ҳаракатлар қилиш, ортиқча фаоллик кўрсатиш ва янги ишларга қўл уриш хайрли бўлмайди. Кўпчилик тўпланадиган жойлардан узоқроқ бўлинг. Зеро, у ерларда кўп куч-қувватингизни йўқотишингиз мумкин. Тушадиган таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг. Алдовларга учманг, жаҳлингизга ва нафсингизга эрк берманг.

Агар кечаси кўп ва узлуксиз туш кўраверсангиз — бу сиз хато йўлда эканингиздан ҳамда ечилмаган муаммоларингиз кўплигидан далолатдир.

**ДУШАНБАДА:**

— бошлаб қўйган ишингизни ниҳоясига етказиш;

— яқинларингиз, ҳатто бутунлай нотаниш кишиларга нисбатан ҳам меҳрибонлик ва саховат кўрсатиш;

— ўз ҳақлигингизни исботлаш, адолатни тиклашга уриниш;

— қатъиятли бўлиш;

— ташқи кўринишингиз ва умуман шахсий нуфузингиз тўғрисида қайғуришингиз тавсия этилади.

Янги ишни бошлаш, иш жойини ўзгартириш, ошиқиш, беҳуда шошқалоқликка йўл қўйиш, бир йўла бир неча иш билан машғул бўлишдан ўзингизни асранг.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 2 3 4 6